



Иктаълар эгалари ва раият аҳволи қандайлигини билиш ҳақида



Иктаъ (мулки)га соҳиб бўлган мукаттеълар шунини билишлари лозимки, улар раиятдан ҳақ молини фақатгина яхшилик билан олишга ҳақлидирлар ва одамлар ўз тану моллари, бола-чакалари, асбоб-ускуналари билан хавфсиз бўлишлари шарт. Агарда одамлар саройга келиб, ўз ҳолларини маълум қилмоқчи бўлсалар, шунда улар қаршилиқ қилмасинлар ва қайси бир мукаттеъ шундай қилса, қўлини қисқартириб, иктаъсини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошқаларга ибрат этиб кўрсатиш керак. Уларга шунини билдириб қўйиш лозимки, мулк ҳам, раият ҳам султонникидир. Мукаттеълар ва волийлар уларнинг бошларида шаҳнадек туриб, подшоҳни раият билан бирга хавфсизликда сақлайдилар.

Хикоят

Нақл қилишларича, Кубод фармондорлик қилиб, дунёдан ўтгач, ўгли Нўширавони Одил унинг тахтига ўтиради. У ўн саккизга кириб подшоҳлик қила бошлайди ва ёшлигидан таъбида адолат манзил топганлигидан ёмонга ёмонлик, яхшиларга яхшилик қиларди. У ҳақида айтардики: «Отам заиф табиатли ва салим эди. Ёлгонга тез алданарди. Вилоятлар ҳароб бўлиб, ҳазина бўшаб, бойликлари йўқоларди ва ёмонлигу зулм унинг бўйнига тушарди. Бир марта Маздакнинг хийлаю найрангига тез ишонди. Ундан фалон волию омил фалон вилоятни талаб қилганида, у ўша жойни берди ва у ерда одамлар ноҳақ ҳалок бўлдилар, раият эса дарвешликка юз тутди. Сийму зарни яхши кўрганидан бераётган динорларига алданиб, улардан хушнуд бўлди ва шу пораларни рад этмай: «Сен шу вилоятнинг амири ва ҳокимсан ва мен сенинг лашкарингга зарур бўлган нарсаларни бердим. Биламанки, сен буларни одамлардан тортиб олиб, олдимга олиб

келгансан, отангдан мерос колгани йўк-ку! Амалдорда вилоят моли канча бўларди?! Сен бир кисмини барот билан харж килгансан ва бир кисмини хазинага топширгансан ва мен кўриб турган бу, колган бойликни каердан олдинг? Хаммасини ноҳак халқдан тортиб олиб, расм-русумини жойига қўймагансизлар. Энди тўғри йўлни касб килинглари», - деб уқтирмади.

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Муқаттеълар ва амалдорлар шу ишларини давом эттиравердилар. Сўнг Нўширавон тахтга ўтиради ва хамма унинг олдида ҳозир бўлди. У Худоба шукур килиб, шундай дейди:

Билиб қўйинглари, менга бу подшоҳликни Аллоҳ таоло берди -ва яна отамдан мерос ҳам колди ва яна бир бор амакиларим хуруж килганда жанг килиб шоҳлигимини сакладим, бир марта мулкни килич ила қайта қўлга киритдим. Худоби таоло бу дунё-ни менга берди ва мен уни сизларга ҳадя этиб, ҳар бир кишига вилоят инъом этдим ва шу давлатдан кимнинг ҳақи бўлса, уни бенасиб колдирмадим. Отам шоҳлиги даврида вилоятларга эга бўлган улугларнинг ҳам мартабаларини шу даражада саклаб, уларнинг мавкеларию бир бурда нонларини кам килганим йўк. Мен ҳурматингизни жойига қўйсаму сизлар менинг сўзларимга кулоқ солмайсизлар. Аллоҳ таолодан кўркамaysизлар, сиз халқдан уялмасангиз ҳам мен Яздон (Тангри) газабидан кўркаман. Сизларнинг бедодликларингизу шумлигингиз менинг обрўйимни туширишини истамайман. Олам душманлардан бўшади ва сизларга Аллоҳ насиб килган неъматлардан маошу осойишталик бердик. Савоб ила иш тутинглари, бедодлигу хиёнат, кўрнамаклик мулкка завоқ келтириб, неъматларни йўк қилади. Тангри халқига яхшилик килинг, раиятга каттик тегманг, заифаларга азоб берманг, уламоларни ҳурмат килиб, яхши кишилар билан суҳбатлашиб, ёмонлардан четлашинг. Аллоҳни ўзимга гувоҳ килиб онг ичаманки, агарда бирор киши шу тариқатга ҳилоф иш тутса, ҳеч раҳм килмайман. Хамма унинг гапини қабул килиб, Шу фармонга амал қиламиз,- дейишибди. -Бир неча кун ўтиб хамма ўз вазифасига қайтгач, яна зулму ситамга қўл чўзишади. Нўширавонни гўдақ билиб писанд ҳам қилишмайди. Амалдорларнинг ҳар бири, хоҳласам унга итоат қиламан, хоҳламасам йўк, деб ўйларди. Нўширавон эса улар билан муросаю мадора килиб кун кўрарди. Шу аҳволда яна беш йил ўтади.

Нўширавондан кучлироқ ва бойроқ бир лашкарбоши бор эди. Шоҳ уни Озарбайжондаги вилоятга ҳоқим килиб тайинлаганди. Мамлакатда ундан ҳам саноксиз, жихозланган қўшинга эга амир йўк эди. Унинг қўнғлида шу шаҳарда бир бог ва дам оладиган ...жойга эга бўлиш орзуси пайдо бўлади Шу шаҳарда бир кампир яшар эди, унинг бир парча ери бўлиб, ҳар йили волий хирожини тўларди, ердан бир дехқон ҳам насибасини олиб турарди. Кампирнинг ризки шундай эканки, ҳар куни тўртта нон истеъмол қиларкан: битта нонни гўшт ёки пишлок учун, биттасини чироқ мойи эвазига бераркан, колганини эса эрталаб ва кечкурун ўзи истеъмол қиларкан. Одамлар раҳм килиб, унга кийим-кечак беришаркан ва у харғиз уйидан чикмай, машаккат билан кун кўраркан. Уша лашкарбошига кампирнинг ери зарур бўлиб, уни бог ва сарой қуришга олишни ният қилади. Кампир олдида одам юбортириб: «Шу бир парча ерни менга сотгин, менга керак бўлиб колди», деб айттиради. Кампир Сотмайман, бу ёруғ оламдаги бор-йўгим шу ерим, менинг -ризким шу ердан, киши ўз озукасини сотмайди-ку! - деб жавоб қилади.

Еринг эвазига ундан каттарогини бераман.

-Менинг ерим халол, ота-онамдан мерос колган ва суви хам -якин. Кўшнилари хам ўзимга мос ва мени хурмат киладилар. Эвазига берадиган еринг шундай хосиятларга эга эмас. Бу ердан кўлингни тортсанг, ўзингга яхши бўларди Лашкарбоши кампирнинг сўзини эшитиб хам ўтирмай, ерни зулм ила тортиб олиб, атрофини девор билан ўратади. Кампирнинг ахволи ёмонлашиб, бориға барака килмокчи бўлади. Ва хакини олишга ёки эвазига бошқа ерга эга бўлишга розилик бериб, ўзини лашкарбоши оёғига ташлаб, шундай дейди:

Еринг бахосини ёки унинг эвазига ер бер Лашкарбоши унга киё хам бокмайди, бирор нарсга хам бермайди. Кампир умидсизланиб ортига кайтади, уни саройга хам кўймадилар. Хар вақт шу лашкарбоши томошага ёки овга чикса, ёки бирор жойга бориб колса, кампир унинг йўлини тўсиб хакини талаб киларкан. Шундай килиб, ҳеч кандай жавоб бўлмайди ва у лашкарбошининг хизматкорларига, махрамларига бориб гапирса, улар «Лашкарбошига айтамыз» деб айтмас эдилар. Орада икки йил ўтади. Холдан тойиб, инсоф килинишидан умидини узгач кампир ўзига ўзи дейди: «Темирни кизигида босиш керак эди, мен эса совук темирни босаяпман. Лекин Аллох таоло хар кандай ишнинг иложини хам берган. Ахир шунча буюклиги билан бу Нўширавоннинг хизматкори, холос-ку. Тадбирим шуки, Нўширавоннинг олдиға ўзим бориб, .«холимни унга маълум киламан. У менга инсоф килар Шундан кейин кўп азоб чекиб, Озарбайжондан Мадойинга келади. Нўширавоннинг касрини кўриб «Мени бу саройга кўймасликлари аник. Бунинг хизматкори бўла туриб Озарбайжон хокими мени саройига кўймади-ку, бу даргоҳға, шох саройига киришимга йўл бўлсин. Яхшиси, уни саҳрода кўриб, арзимни айтай», деб ўйлайди.

Ундан ерини тортиб олган лашкарбоши тасодифан саройга келиб қолади. Шу куни Нўширавон ов килишға қарор килади. Кампир Нўширавоннинг фалон жойда ов килишидан хабар топади. Кўркиб-писиб азобу укубатлар билан ўша ов килинадиган жойга бориб, бир қовжираган бута орқасида кечани ўтказади. Эртасиға Нўширавон етиб келади ва хамроҳлари ов килиш учун тарқалишади. Бир кўрикчиси билан қолган Нўширавонни ёлғиз кўрган кампир ўрнидан туриб: Эй подшоҳ, бу заифа дардини эшит! - дейди. Нўширавон-унинг олдиға отини хайдаб бориб, арзиға қулоқ солади. Кўзи ёшға тўлиб:

Хотиржам бўл, ахволингни тушундим, муродингни ҳосил киламан ва сени шаҳрингга кайтариб юбораман,- дейди ва фаррошиға тайинлайди:

Буни туяға миндириб, кишлокка олиб бор ва кишлок -арбобига топшир, овдан кайтганимизда шаҳарға олиб бориб, ўз уйингга сакла. Хар куни икки ман нон, бир ман гўшт, хазинадан эса ойига беш тилло диноҳ бериб тур. Вақти келса, сен орқали уни чақиртириб оламан.

Фаррош фармонни айтилганидек бажаради. Нўширавоновдан кайтиб келгач, бу гапларни бошқаларға билдирмай, нима килиш хакида ўйға толади. Сўнг куннинг ярмида, хамма ётиб дам олаётган чоғи, сарой бўш пайтда бир ходимиға Фалон хужраға бориб,

фалон кулни чакириб кел, - дейди -ул келганида унга дейди:

Эй кул, биласан, менда яхши ва лойик куллар кўпдир. -Хаммадан сени афзал кўрдим ва сенга ишондим. Сен хазинадан маблаг олиб, Озарбайжонга жўнашинг керак. Фалон шаҳар ва фалон маҳаллага бориб, йигирма кун яшаб, ўзингни одамларга: «Мен кочиб кетган кулни кидираяпман», - дегин. Кейин хар хил одамлар билан ўтириб кўр ва улар билан яқинлаш. Мастлик ва хушёрликдаги суҳбат давомида улардан гўё билмагандек: «Шу маҳаллада бир кампир бор эди, номи фалон, у каерда экан, ҳеч кўринмайди», - деб сўра. Нима дейишса эшитиб, ёзиб ол ва бу хабарни келтир. Сени шунинг учун юбораёпман. Аммо саройда сени чакириб, хамманинг олдида баланд овоз билан: Бориб хазинадан нафакангни ол ва Озарбайжонга бориб -кайси шаҳару ноҳияга борсанг, бу йил галла ва мева хосили кандай бўлганини сўра, кандай табиий офат текканини аниқлаб ол ҳамда яйлов ва ов қилиш жойларининг ҳолидан хабар олиб кел, - дейман.

Хаммасини билиб олиб, тез қайтиб келгин, аммо нима учун .юборганимни ҳеч ким билмасин Буйругингизни бажараман,- дейди кул. -Эртаси куни у йўлга чиқади. Уша шаҳарга бориб, йигирма кун яшаб, учраган одамдан ўша кампир ахволини суриштиради. Одамлар: «Шу мастура кампирнинг эрию болалари худо раҳматли бўлганлар. Унга бир парча ер мерос қолган эди. Ерини бир дехконга берарди. Унинг хосилидан дехконнинг хиссасини ва подшоҳнинг хирожини тўлаб турарди. Кейинги йил хосилигача хар куни тўртта нон унинг ризки бўлиб, биттасини гўшг ва пишлок эвазига, битта нонни чирок мойи ўрнига бериб, яна иккитасини эртаю кеч ўзи истеъмол қиларди. Вилоят ҳокими бир боғу сарой қуришни қасд қилиб, кампир ерини зўравонлик билан тортиб олди. Боғ қилиб, пулини ҳам тўламади, ўрнига бошқа ер ҳам бермади. Кампир йиллаб унинг саройига қатнади, лекин ҳоким унга парво қилмади. Анчадан буён уни ҳеч ким кўрмапти», - дейишади.

Ул вазиятни билиб, Нўширавон олдига қайтиб, ахволни маълум қилади. Нўширавонга кампирнинг гапи тўғрилиги маълум бўлади. Эртасига Нўширавон қабул маросимини уюштиради, ҳамма улуг кишилар йигилади. Бир вақт Нўширавон улардан сўрайди:

- Озарбайжон ҳокимида қанча бойлик бор?
- Икки марта минг-минг ва унинг пулга эҳтиёжи ҳам йўқ,
- Мато ва зеб-зийнатлардан қанча?
- Минг уч минглик зару қумуши бор.
- Жавахирдан қанча?
- Беш юз минг-минг динор.
- Мулку галлакор ери қанча.

Хуросону Ирок, Озарбайжонда бирор шахру ноҳия -йўқдирки, унинг мулку кишлоги, тегирмону қарвонсаройи, ҳаммому галлазор ери бўлмаса. Моллари қанча?

-Ўттиз минг.

- Зархарид қуллари қанча?

Бир мингу етти юз рум ва ҳабаший қуллари ҳамда тўрт юз -қанизаги бор.

Бир кишида шунча неъмату бойлик бўлса, хар куни йигарма -хил таом, кўю холва, ширинлигу ёқимли нарсалар еса ва яна Худога қўнғил қўйган бир заифанинг иккита нони бўлса-ю, биттасини эрталаб, биттасини кечкурун истеъмол қилса. У бадавлат киши шу иккита қурук нонни заифадан зўрлик билан тортиб олиб, уни бир лукма нонидан ҳам

махрум килса. Унга нима керак экан ўзи?

Бундай киши хар кандай жазога лойик, - дея жавоб килади -хамма. Шунда Нўширавон амр килади: Мен унинг терисини шилиб олиб, гўштини итларга -беришларини ва терисини сомонга тўлдириб сарой эшигига осиб қўйишларини истайман. Жарчилар етти кун «Кимда-ким бундан буён жабр-ситам килса, хатто бир халта сомон ё бирорта товук ёки бир бог кўкатни зулм билан кимдандир тортиб олса, жазоси мана шунака бўлади», деб хабар берсинлар. Сўнг фаррошга кампирни олиб келишни буюради. Нўширавон сарой аъёнларига карата: «Бу ситам тортган ва у эса ситам килувчи эдики, жазосини олди» - дейди. Ва кулдан Мен нима учун сени Озарбайжонга юборган эдим? - деб сўрайди.

Кампир холини билиб, хакикатан ҳам у зулм кўрган- -кўрмаганлигини билиб, подшоҳни хабардор қилишим учун юборган эдингиз,- жавоб беради кул. Шундан кейин подшоҳ аъёнларига дейди:

Мен бу сиёсатни хўжақўрсинга қилганим йўк. Бундан кейин -ситам килувчилар билан факат қилич воситасида гаплашаман ва қўю кўзиларни бўрилардан мухофоза қилиб, узун қўлларни кесиб, Ер юзини ёмонлик килувчилардан тозалайман. Жахонни адолат ва осойишталик билан обод қиламан, чунки Худойи таоло мени шу иш учун юборган. Агарда одамлар хохлаган ишларини қилаверади деган бўлсалар, Аллох таоло подшоҳларни уларнинг бошларига қўймасди. Энди сизлар ҳам ана шундай золим изидан бормаслик учун ҳаракат қилинглар. Нўширавоннинг хайбати ва сиёсатини кўриб бу мажлисда ҳозир бўлган кишилар кўнглидаги захарлар эриб кетади. Нўширавон кампирга:

Сенга ситам қилган кишига жазо бердим ва у ерингда қурган -сарою богни ўзингга ҳадя этдим, улогу нафақа ҳам бердим. Шахрингга қайтиб, мени дуо қиларсан деган умиддаман,- деб яна ўзи сўраб ўзи жавоб килади.

Нега энди саройимиз эшиги ситам килувчилар учун очигу -ситам кўрганларга ёпик?

Раият ва қўшин хар иккиси бизнинг қўл остимиздагилар ва хизматчиларимиздир. Раият беради ва лашкар тортиб олади. Раҳмсизлик қилиб, бедодлик қиладиганларга ҳам, хирож берадиган раиятимизга ҳам эшигимиз янада кенгрок очик бўлиши шарт. Чунки зулм кўрган бирор мутазаллим саройимизга келса, уни менинг олдимга қилиб, холини айтишга қўймайдилар. Агар шу кампир саройга йўл топганида, унинг ов қилиш жойига боришига ҳам ҳожат йўк эди. Шундан кейин Нўширавон буйруқ чиқаради: бир занжирга кўнгинокларни шундай пастликда осилтириб қўйингларки, етти ёшли боланинг ҳам қўли унга етсин. Бирор-бир мутазаллим саройга келса, эшик қорувулига иши тушмасину шу кўнгинок ипини тортсин ва Нўширавон эшитиб, унинг додини тинглаб, чора қилсин. Шундай ҳам қиладилар. Сарой аъёнлари ва қўшин бошликлари уйларига қайтиб кетадилар. Дархол ўзларининг вакилу амалдорлари, қўл остидагиларию қўшинларини :чакиртириб сўрайдилар

Айтинглар-чи, кейинги ўн йил ичида заруратсиз қимлардан -молларини тортиб олгансизлар? Агар бирор кишини бекорга хафа қилган бўлсангизлар, бундан кейин ҳаммамиз бир бўлиб уларни хурсанд қилишимиз керак, токи ҳеч қимса саройга бориб биздан шикоят қилмасин.

Барча хафа бўлганларни хушнуд этиш йўлларини бамаслаҳат излаб, баъзиларини узр билан, баъзиларини молу пул билан рози қилиб, фалон киши фалон кишидан хурсанд, унга ҳеч даъвоси йўк деган хат ҳам оладилар. Нўширавоннинг мана шундай бир сиёсати туфайли мамлакат обод, халқ ситам килувчилардан халос бўлади.

Орада етти йил ўтади. Бирор мутазаллим унинг саройига шикоят билан келмайди.

Хикоят

Накл киладиларки, етти йилдан кейин пешин вақтида, саройда ҳеч ким бўлмади, навбатчилар ухлаб қолган бир пайтда, кўнгироклар баланд овоз билан чалинади-ю, Нўширавон бунини эшитиб, тезда икки ходимини юборади. Ходимлар сарой дарвозасини ёнига келиб бир озгин қари эшакни кўрадилар. У орқасини кўнгирок занжирига ишқаларди ва шу тўғайли кўнгироклар садо берарди. Хар иккала ходим ҳам: Ҳеч ким шикоятга қелган эмас, фақат бир қари эшак -қараларини кўнгироклар занжирига ишқалаяпти, - дейишади. Нўширавон:

Сизлар тушунмаганизлар, бу сизлар ўйлагандай эмас. -Яхшироқ қаранглар, бу эшак ҳам инсоф истаб қелган. Эшакни бозорга олиб бориб, ҳаммадан унинг ахволини сўранглар ва ҳақиқатни менга маълум қилинглар.

Шох олдидан чиқишгач, ходимлар эшакни бозорга олиб бориб, одамлардан:

Шу эшакни танийдиган киши борми? - деб сўрайдилар.

Таниймиз,- дейишади одамлар.

Қаердан биласизлар? - деган саволга улар жавоб берадилар.

Бу эшак қалон қозур(қир ювувчи)ники ва йигирма йилдан -буён унга хизмат қиларди. Хар қуни одамларнинг қийимларини унга юқлар, қир ювиш жойига олиб бориб, қечқурун қайтариб олиб қеларди. Ёш, қуни қорлигида унга қарарди, ўт-ем берарди. Энди қариб, қуни қолмаганида уйдан қайдади. Бир қарим йилдирки, бу эшак маҳаллаларда, қўча ва бозорларда юради. Одамлар савоб учун унга ўт ва сув берадилар. Эшак қейинги икки қундан бери сув билан ем топпай, тентираб юрибди. Ходимлар ҳаммадан шу жавобни эшитадилару, тез қайтиб келиб, бунини қодшоҳга маълум қиладилар Қўрдинғизларми, мен сизларга эшак қоддини айтишга қелган, уни ушлаб туринглар, қемаганимиз, - дейди. Нўширавон: У эртаси қуни эшак эқасини маҳалласидаги тўрт оқсоқол билан бирга олиб қелишни қуради. Ходимлар айтилганларни қажариб, эшак ва унинг эқасини тўрт мўйсафид билан саройга қошлаб қелишади. Нўширавон қозурдан сўрайди: Бу эшак ёш бўлганида, ишга қраганида, сен учун қерақлигида -унга ем берардинг. Энди қариб қолганида қоқиш ўрнига уни уйингдан қайдаб юқорибсан. Қўш, эшакнинг йигирма йиллик хизмат қақи нима бўлди:

Қодшоҳ уни қирқ қарра урдиришга қуйруқ беради ва дейди:

Шу эшак қанча қжаса, қана шу тўрт оқсоқол қувоқлигида -унга хар қуни қомону қугдой қерасан ва ақарда қамқилиққа йўл қўйсангу, бу менга маълум бўлса, қилиб қўй, қонингдан умидингни узавер.

Одил қодшоҳлар қамиша қайфлар қақида ўйлайдилар ва улар мамлақат қарурати учун хар икки-уч йилда мукаттеъларнинг ишларини тафтиш қилишлари шартдир, тоқи мукаттеълар раият қақига қўз олайтирмасинлар, қилоят обод ва маълум бўлсин.